

«ШАРҲ ЖАНРИ: СИЁСИЙ ШАРҲ ВА СИЁСИЙ ШАРҲЛОВЧИ НУТҚИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ»

Сувонова Шахноза Йодгор кизи

Наманган Давлат университет Ижтимоий фанлар факультет
Социология ўналиши 1-курс талабаси

Анотатсия: бугунги кунда сиёсий майдонда юз берадётган воқеа ходисалар, мамлакатлар ички сиёсатидаги янгиликларни кенг омма эътиборига ҳавола этишида турли пазитсия ва усуслардан кенг фойдланилмоқда. Бу борада мамлакат сиёсий фаолиятини фуқароларга етказиш ва халқаор майдондаги имижини сақлашда сиёси шарҳ муҳим ўрин тутади. Ушбу мақолада шарҳ жанрининг ўзига хос хусиятлари сиёсий шарҳ ва шархловчи маҳорати ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: шарҳ, шархловчи, сиёсий шарҳ, сиёсий шархловчи, факт, маълумот, ёндашуви, сиёсий контекст, сиёсий нутқ

Ахборот глобаллашуви даврида инсоният улкан информацион қобиқ ичидаги яшаётганга ўхшайди мавзудаги турфа хил ахборотлар эса кишини инчонли манба ва изоҳ излашга мажбур қиласди. Айниқса бу янгилик сиёсий жараёнлар билан боғлиқ бўлса. Бу вазиятда мамлакат фуқароларининг “мушкули”ни осон филишда сиёсий шархловчилар беминнат ёрдамчидир. Этиборингизга ҳавола қилаётган ушбу мақолада ана шу шархловчи в унинг меҳнат маҳсулни шарҳ хусусида сўз юритамиз.

Дастлаб шарҳ жанри хусусида гаплашсак. Шарҳ (лотинча commentariys-талқин) – ҳақиқий ижтимоий-сиёсий воқеа, ҳужжат ва ҳоказоларнинг маъносини тушунтирувчи тезкор таҳлилий материаллар шаклларидан биридир. Шунингдек шарҳ аналитик журналистикага тааллуқлидир, чунки воқеаларни етарлича кенг ёритган ҳолда шархловчи ўзининг асосий мақсадига амал қилиб, биринчи навбатда воқеалар ўртасидаги сабаб-оқибат муносабатларини таъкидлайди, содир бўлаётган нарсаларнинг мумкин бўлган оқибатлари ҳақида гапиради. Шарҳнинг жанр сифатида асоси очиқ муаллифнинг баҳоси, таҳлилидир.

Шарҳ – ижтимоий ва сиёсий фаол шахснинг объектив ва субъектив муносабатидир. Шарҳнинг бошқа жанрлардан яна бир муҳим фарқи шундаки, унда маълум бир воқеа-ҳодисага, муҳим бир факт ёки рақамга шархловчининг очиқ, шахсий муносабати билдирилади. Бунинг учун у албатта етарли факт ва маълумотларга эга бўлиши керак. Шархловчининг бу муносабати, ёндашуви халқаро муносабатларга, умуминсоний қадриятларга, профессионал талаб ва ахлоқ-одоб қонун-қоидаларга жавоб бериши ва воқеа-ҳодисани объектив ёритиши керак

Шундай қилиб шарҳ – бу фактга муносабат, лекин фактнинг ўзи эмас. Шархловчи эса тажрибали журналист, тарихий саволларни еча оладиган, шу соҳамутахассислигини тушунган, билган, шу соҳа об-ҳавосини, уни баҳолашни билган

журналист бўлиши керак. Шундай қилиб, тавфислотчи янгиликлар программасида намоён бўлиб бирор бир сиёсий муаммони тушунтира бошлашда, хозиргина берилган ахборотнинг фактига изоҳ бера бошлайди, бу аниқ тарихий – сиёсий контекст бўлади. Шуни таъкидлаш жоизки, баъзи холларда журналистлар мухим ахамиятдаги янгилик мазмун моҳиятини ўзалари тўлақонли шархласалар баъзи холларда мустақил шарҳлашдан қочадилар ва бунга мутаҳассис жалб этадилар. Масалан, Қашқадарё телекалидаги “Президент қарорлари ҳаёда ва назоратда”, “Таҳлил 24/7” кўрсатувларида бошловчи ўзига ҳамкор сифатида соҳа мутахассисини танлайди ва у янги чиққан қонун, қарорлар, жамият сиёсий ижтиомий хаётига оид янгиликларни шарҳлади. Бунда журналист шархловчига эмас балки, сухбатдошга айланади. Аксинча шу каналнинг “Янгилаётган Қашқадарё” кўрсатувида журналист давлат дастури қонунчилик меёrlари кабиларнинг мазмун моҳиятини нафақат сўз ва рақамлар билан балки инсонлар хаёти орқали хам изоҳлаб беради.

Юқорида айтиб ўтганимиздек шарх бу фактга муносабат. Шу билан бирга рус тадқиқотчиси А.В Колесниченко табирига кўра шарх-аниқлаштириш ва баҳолашдир⁴⁴. Яъни бу янгиликларни аниқлаштириш ёки баҳолаш учун уни кенгайтириш демакдир. Жанр сифатида шарҳ Farb журналистикасида пайдо бўлган, у ерда ҳақиқат ва фикрни ажратиш анъанаси мавжуд. Фактлар ва фикрлар биргаликда тақдим етилган Совет журналистикасида соғ шаклда шарҳлар бўлмаган. Farb олимлари тез орада воқеалар ҳақидаги "объектив" деб номланган маълумотлар, журналист фақат ўзи кўрган нарсаларини ва гувоҳлар ва мутахассислар унга айтганларини ёзганда, ҳар доим ҳам моҳиятини акс еттиришга имкон бермаслиги аниқладилар. Журналист ҳаракатлар ҳақида хабар беради ва бу ҳаракатларнинг сабаблари ва оқибатлари кўпинча саҳна ортида қолади ёки аслида нима бўлганини чуқур тушунмасдан ўтиб кетади шу билан бирга журналист бу саволга жавоб берса ҳам, янгиликлар жанрлари формати унга ушбу жавобни тақдим етиш имкониятини бермайди бу эса ахборот қабул қилувчилар учун ҳам яхши эмас эди. Ҳар куни матбуот фактларни тушунтирмасдан, уларнинг бошига жуда кўп сонли хабарларни ташлайди. Бир томондан, бу яхши, чунки ўқувчига воқеалар тўғрисида ўз фикрини шакллантириш имконияти берилади. Аммо агар у нима бўлаётганини тушунмаса ва баҳолай олмаса, унда журналистлар томонидан қўлга киритилган кўплаб фактлар у учун фойдасиз. Ушбу бўшлиқни журналист ёки тақлиф қилинган мутахассис янгиликларнинг моҳиятини тушунтирганда ва воқеани ҳар қандай мезон бўйича баҳолагандагина тўлдириш мумкин .

Шунингдек шарх аниқлаштиришда қўйидаги тўртта саволга ҳам жавоб беради:

1. Нима учун бирор нарса юз берди? (Сабаблари.)
2. Нима учун кимдир бирор нарса қилди? (Мақсадлар.)
3. Қандай қилиб бир нарса батафсил содир бўлди? (Батафсил.)
4. Ҳаётнинг бошқа соҳалари билан қандай боғлиқ? (Муносабатлар.)⁴⁵

Баҳолашда эса шарх муаллифи, ўз навбатида, баҳсли бўлган нарсани мақтайди ёки танқид қиласи. Учта рейтинг шкаласи мавжуд:

1. Яхши ёки ёмон. (Етика.)
2. Чиройли ёки даҳшатли. (Естетика.)
3. Фойдали ёки кераксиз. (Амалиёт.)

Шарҳнинг енг муҳим композицион элементлари кириш ва тугаш ҳисобланади. Ёндашувнинг уч тури мавжуд-тематик, тезис ва сентенсиал. Биринчи ҳолда, шарҳ мавзуни белгилаш билан бошланади. Ушбу ёндашув одатда тушунтириш шарҳларида қўлланилади. Тезисни киритиш билан шарҳ хулоса билан бошланади, кейинчалик матнда оқланади. Тезис ёндашуви одатда шарҳларни баҳолашда қўлланилади. Сентенсиал ёндашув-бу афоризм орқали ёки шарҳни безатадиган, аммо унинг тезиси бўлмаган ажойиб парадоксал баёнот орқали шарҳнинг бошланиши. Ушбу ёндашув шарҳларни баҳолаш учун кўпроқ хосдир, аммо уни тушунтиришда ҳам қўллаш мумкин.

Шарҳнинг тугаши тўрт хил бўлиши мумкин-умумлаштириш, чақириш, сентенсиал ва башоратли. Умумлаштирувчи якун аллақачон билдирилган фикрларни такрорлаш ва умумлаштиришdir. Лойиҳанинг тугаши маълум бир қабул қилувчи учун аниқ талабни ўз ичига олади. Журналист кимнидир нимадир қилишга ёки нимадир қилмасликка ундейди. Максимал тугатиш-бу муаммога тегишли афоризм билан шарҳнинг хулосаси. Башоратли якун билан журналист бирон бир нарса қайси вақтда ёки қандай шароитда содир бўлишини башорат қиласи.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики шарҳ янгиликни тушинтириш ва унинг жасият хаётидаги аҳамиятини тўлақонли баҳолаб беради. Бу эса ўз навбатида муаллиф- шаҳловчидан ўткир билим кенг тафаккур ва холисликни талаб этади. зеро биламизки, халқаро майдондаги шарҳлар айни бир мавзуда бўлсада мамлакатлар стратегиясига қараб ғояланади. Хўш шаҳловчи ким ўзи ва у қандай бўлиш керак?

Шаҳловчи-бу ўз фаолиятини оммавий ахборот воситаларида (radio, телевидение) олиб борадиган шахс, у спорт, сиёсат, ижтимоий ҳаёт ва бошқа соҳалардаги воқеаларни шарҳлайди.

Шунингдек шаҳловчига ф.ф.н, доцент Шавкат Ибрагимов ўзининг “Тележурналистика асослари” маруузалар матнида шундай тариф беради: Шаҳловчи – алоҳида кишилар билан телекўрсатувда бирорбир нарса ҳақида суҳбат қилувчи мутахассис ҳисобланади, у ўз шахсий муҳокамаси билан видео тасвиirlар мазмунини очиш ва меҳмон билан студияда суҳбат қилувчи мутахассис ҳисобаланади⁴⁶. Одатдагидек, у бой ҳаётий тажрибага эга саёҳатчи, бутун ер шарини айланиб чиқсан космонавт ёки хизмат кўрсатган шифокорёки таниқли балерина бўлишимумкин. Албатта, улар ўз иш фаолияти ва ҳаёти ҳақида чиройли гапира оладиган ҳақиқий зиёли киши бўлиши керак. Яна «камерани сезабилиш» - кўринмайдиган аудитория билан алоқа қилиш қобилияти бўлиши, таниқли кишининг қобилияти – мураккаб нарса тўғрисида, гапира билиш маҳоратида кўринади. Журналист мамлакат ҳаётива тинчлик борасида гапирганда кўпинча, унинг сиёсий воқеликлари ҳақида шаҳловчисига айланиб қоладилар.

Сиёсатшунослик сиёсий тадқиқотлар ва сиёсий журналистикани ўз ичига олган жуда кенг тушунчадир. Сиёсатшунос, асосан, сиёсий соҳани емас, балки иқтисодни ҳам, ижтимоий соҳани ҳам ва ҳоказоларни ҳам қила олади. Сиёсатшунос учун муаммолар бўйича ҳеч қандай чекловлар йўқ. Сиёсий шарҳловчи эса аа шу фаолиятнинг инсонларга фойда зараригни тугинтириб берадиган-журанлистдир. Сиёсий таҳлилчи асосан бошқарув жараёнлари билан, аникроғи иқтисодиёт ёки ижтимоий соҳага тегишли бўлиши мумкин бўлган бошқарув қарорларининг қабул қилинишини таъминлаш билан шуғулланади.

Сиёсий шарҳловчи, шарҳловчи билан бир хил. У журналист. Унинг вазифаси давлатнинг сиёсий йўналишининг моҳиятини, қабул қилинган сиёсий қарорларнинг моҳиятини ва умуман мамлакатни ривожлантириш стратегиясини кенг жамоатчиликка етказишидир. Бунинг учун эса шиёсий шарҳловчи ўзига хос нутқа эага бўлиши ва у орақали таъсир эта олиши лозим. Журналистнинг сиёсий мавзулардаги шархлари сиёсий элита нутқи каби, сиёсий нутқи хисобланиб, у бир қанча хусусиятларга эга.

Сиёсий нутқи ва унинг таҳлили назариясининг масалалари сиёсий тилшуносликвакилларнинг диққат марказида бўлиб келган. Чунки, сиёсий нутқий мулоқот турли фанлар воситалари ёрдамида турли жиҳатларда ўрганилади. Шу билан бирга баъзи таҳлилий асарларда сиёсий нутқи қўйидагича ажратиб ўрганилади:

- * сайлов олди бахслар, дебатлар нутқи
- * президент нутқи,
- * мухолифат нутқи,
- * сиёсий метафора
- * сиёсий нутқи прецеденти
- * унинг манипуляцион хусусиятлари
- * сиёсий мулоқотни когнитив ташкил этиш

Сиёсий нутқни кенг манода тушиништ бу хар қандай ва тез тез такрорланувчи(анъанага айланган) нутқи моделининг маълум бир мухитдаги тил воситалари, харкатлар, иштирокчилар, ҳамда мавзу билан ўзаро таъсиридир. Тадқиқотчилар фикрича ью сиёсий шарх нутқига ҳам тўғри келади вабир нечта қўшимча керетирилар: фактлар, махсус ёзувлар ва алоқа каналлари билан кенгаяди.

Шунингдек сиёсий шархда шарҳловчи ўз нутқи қўйидагиларга эътибор қаратиши лозим: Аудиториянинг табиати, алоқа каналларининг ўзига хос хусусиятлари, дискурсив стратегиялар, лингвистик воситалар ва асосий сиёсий ходиса. Мулоқот иштирокчиларининг нуқтаи назари билан қарагандан сиёсий шарх – хабар муаллифининг(шарҳловчи, мутахассис, таҳлилчи, репортиёр ва х.к) ва тўлиқ аудитория мавжудлиги билан белгиланади. Бироқ, фақат керакли материалл ва кўникмаларни яхши биладиган билимдон журналистгина мұхим воқеани тезкор шарҳлаш билан боғлиқ муаммони муваффақиятли ҳал қила олади. Шунинг учун шарҳни тайёрлаш одатда мавзуга ихтисослашган шарҳловчи ёки мухбирга ишониб топширилган

Шунингдек сиёсий шарҳловчи шарҳ обьектини таҳлил қилишда, маълум бир нутқий стратегиялардан, иштирокчиларга қаратилган алоҳида нутқ усулати фойдаланиши мумкин. Сиёсий шарҳ муаллифи муаллифнинг позициясини акс еттирувчи жамиятнинг фактларини атайлаб ўзига жалб қиласди, уларни маълум бир тарзда қуради, уларга юқори даражадаги субъективликни келтириб чиқарадиган ўз баҳосини беради. Бошқача қилиб айтганда, сиёсий нутқнинг субъективлик даражаситанланган фактлар тўплами (баъзиларининг номинацияси ва бошқаларнинг силжиши), модаллик (сўз обьектига шахсий муносабатни ифодалаш), субъект ва алоқа обьектининг шахсий тажрибасига мурожаат қилиш билан белгиланади.

Таъкидлаш керакки, сиёсий шарҳ нутқининг ўзига хослиги маҳсус тематик таркиб, журналистик услуб, композицион тузилиши билан тавсифланади. Тақдимот усули эса муаллиф томонидан қабул қилувчига максимал таъсири миқдорни ҳисобга олган ҳолда танланади. Сиёсий шарҳ нутқида ишлатиладиган лингвистик воситалар, қоида тариқасида, жонли экспрессивликни ўз ичига оладиахборот олувчига енг самарали таъсир кўрсатадиган иборалар, муаллифнинг фикрини иложи борича тўлиқ манзилга етказишга хизмат қиласди.

АДАБИЕТЛАР:

1. 43 Ибрагимов..Ш, Тележурналистика асослари. маъruzalap matni,-T.: ЎзМУ-2013.-516,-396
2. 44 Колесниченко А.В. Практическая журналистика. Учебное пособие. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 2008.c177,-73c
3. 45 Колесниченко А.В. Практическая журналистика. Учебное пособие. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 2008.c177,-73c
4. 46 Ибрагимов..Ш, Тележурналистика асослари. маъruzalap matni,-T.: ЎзМУ-2013.-516,-416 47 М.А.Семкин: Стилистические средства в дискурсе политического комментария// Вестник СПбГУ. Сер. 9. 2012. Вып. 2.c209-215,211c